

## ФАРҒОНАДА ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ САЙЁР ҚАБУЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

31 март куни Фарғона тумани, Водил қишлоғидаги Чинортаги боғида Фарғона вилояти ҳокими, Олий Мажлис сенати аъзоси, вилоят 1-сектори раҳбари Шуҳрат Мадаминович Ғаниевнинг вилоят фуқаролари учун сайёр қабули бўлиб ўтди.

Кундузги соат 11.00 да бошланган қабулда вилоят секторларининг бошқа раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Шунингдек, Фарғона вилояти Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси раҳбари Р.Махмудова, вилоят прокурори, 2-сектор раҳбари С.Турдиев ва вилоят ИИБ бошлиғи Р.Маматов, вилоятнинг барча ташкилот ва бошқармалари раҳбарлари, шаҳар-туман ташкилотлари раҳбарлари ва оммавий аҳборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Ҳоким қабулига вилоятнинг Олтиариқ, Қўштепа, Ёзёвон, Тошлок, Қува, Фарғона, Сўх туманлари ҳамда Марғилон, Қувасой, Фарғона шаҳарлари фуқаролари таклиф қилинганд. Ундан ташқари бошқа шаҳар-туманлардан ҳам аҳоли вакиллари қатнашдилар. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Халқ давлат идоралариға эмас, давлат идоралари халқа хизмат қилиши керак” деган фикрлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари учун дастуриламалдир. Ушбу иш услуби вилоят раҳбари учун аҳоли кайфиятини ўрганиш, уларнинг муаммоларини вактида ечишга имконият беради. Бугунги қабулда 310 нафар аҳоли вакили иштирок этди, шулардан 130 нафаридан мурожаатлар келиб тушган. Шундан 27 таси, яъни умумий мурожаатларнинг 20 % дан ортиғи шу ернинг ўзида ҳал қилиб берилди. 18 та мурожаатга асосли тушунтиришлар берилди, қолган 85 та мурожаат эса ижобий ҳал этилиши учун сайёр қабулда қатнашган тегишли ташкилот ва муассасалар шуғулланиши учун қатъий назоратга олинди. Мурожаат қилувчиларнинг масалаларини таҳлил қилганда, фуқароларда мурожаат қилиш маданиятининг шаклланганилигини кузатамиз. Яъни аҳолини ҳақиқатда қийнаб турган, долзарб масалалар юзага чиқкан. Улар мазмунини асосан, уй-жой, ишга жойлашиш, моддий ёрдам, тадбиркорлик, банк-кредит масалалари ташкил этади. Масалан, Фарғона ва Бешарик туманлари, Фарғона шаҳридан келган фуқаролар айнан шундай масалаларда юзланганлар. Масалан, Фарғона туманининг Гулистан маҳалласи, Шунқор кўчаси, № 21-ўйда яшовчи Нозимжон Шокиров ўз фермер хўжалигида совиткич омбори қурилиши учун имтиёзли кредит олишда муаммоси борлиги учун қабулга келган. Марказий банк ходимлари бу масалани ечиш учун жалб қилинди. Мурожаати ўрнида ҳал бўлган фуқароларимиз ўз миннатдорчиликларини билдирилар. Масалан, Фарғона тумани, Оқбилол қишлоғидан келган 83 ёшли Фозилжон ота Ҳилолов кўзи ожиз бўлиб қолган умр йўлдоши учун ногиронлик аравачаси сўради. Шу ернинг ўзида унга аравача, шунингдек, моддий ёрдам ҳам берилди. Фарғона шаҳри, Қиргули мавзеси, Фарғона кўчаси, 6-уй, 18-хонадонда вақтинча истиқомат қилувчи Қосимов Шокиржон оиласи уй-жойга муҳтоҷ. Масалани ўрганган Қувасой шаҳри ҳокими улар учун 1 хонали уй ажратди ҳамда уйни жиҳозлаб беришга ҳам топшириқ берди. Фарғона тумани Оқтош қишлоғи МФЙ раиси Содиқжон Мирзаев маҳалла йўлини капитал таъмирлаш ва Ўзбекистон ва Қирғизистон чегаралари ўтган қабристонни зиёрат қилишдаги қийинчиликлар масаласини кўтарди. Масала тегишли органларга ҳал этиш учун топширилди. Яна шу тумандан Дадажонова Зиёдахоннинг уйи томини шиферлаш учун моддий ёрдам сўраб қилган мурожаати, Ғуломова Мақсадининг ўғлининг иш жойи масаласидаги мурожаати, Эшонқулов Илҳомжоннинг тадбиркорлик фаолияти бўйича мурожаати ижобий ҳал қилинди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам қатор мурожаатлар келиб тушган бўлиб, улар ҳам қонун доирасида ҳал этиш учун йўналтирилди. Мурожаатлар ичida фарғоналик ихтирочи ва рационализатор Абдулпатто Мамажонов ҳам бор. У вилоят ҳокимига муқобил энергия олишга инновацион ёндашиб, ихтиро қилган мосламасини иссиқхоналар ва бошқа соҳаларда фойдаланиш учун амалга оширишга сунъий тўсиқлар, яъни бюрократик қараашлар борлигини айтди. Мурожаат ҳал этиш учун назоратга олинди. Қабул жараёнida вилоят адлия бошқармаси ва давлат хизматлари агентлиги ходимлари фуқаролар учун ҳуқуқий маслаҳатлар бердилар. Шунингдек, ўтган сафарги қабулда мурожаат қилган 10 нафар фуқаро масаласи ижобий ҳал бўлганини айтиб, миннатдорчилик билдириди. Сайёр қабул давомида Фарғона, Қувасой шаҳарлари, Фарғона тумани томонидан меҳнат ярмаркаси, ҳунармандлар ва китоб ярмаркалари ташкил этилди. Бўлиб ўтган спорт мусобақалари ва концерт дастури аҳолининг қувончига сабаб бўлди. Сайёр қабул ҳалқ сайлига айланиб кетди, вилоят ҳокими ташабbusи билан 500 га яқин аҳолига ош берилди, дастурхон ёзилди. Бундай тадбирлар фуқароларнинг розилигини таъминлаш ва аҳолининг давлат идоралариға бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

---

2019-04-01 18:34:05